

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Навоий вилояти деганда, бағрида беҳисоб табиий бойликларни – олтин ва кумуш дейсизми, мрамор ва фосфорит дейсизми, уран ва кварц дейсизми, феруза ва охақтош дейсизми – мухтасар айтганда, ўзида бутун Менделеев жадвалини мужассам этган саховатли бир заминни тасаввур қиламиз. Албатта, бундай бойлик ҳар кимга берилмайди. Шунинг учун ҳам Навоий воҳасини Ўзбекистоннинг олтин сандиги, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ислом КАРИМОВ



“Қизилқумцемент” очик акциядорлик жамияти ишчилари Бахриддин Бобоқулов, Урол Маликов ва Исқандар Бердимуродов.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЛТИН САНДИГИ

Навоий вилояти мамлакатимизнинг йирик sanoat худудига айланмоқда. Ушбу вилоятда олтин, уран, вольфрам, фосфорит, кимёвий ўғитлар, цемент, сунъий тола, қорақўл тери каби энг ноёб хомашё ва маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Аини пайтда вилоятдаги корхоналар дунёнинг 40 дан ортиқ давлатларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишмоқда. Биргина, Навоий кон-металлургия комбинати жаҳонда “Newmont Mining”, “Mitsubishi”, “Hitachi”, “Marubeni”, “Bridgestone”, “Caterpillar”, “Shell” сингари етакчи компаниялар билан ҳамкорлик қилляпти. Бу sanoat гигантида 65 минг нафардан зиёд турли касб эгалари фаолият кўрсатмоқда. Комбинатда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳоз-

лаш, экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Комбинат тасарруфидаги Навоий Машинасозлик заводи тоғ-шахта техникалари ва кон sanoati учун ускуналарни сошлаш бўйича таянч корхона ҳисобланади. Мазкур корхонада халқ истеъмоли моллари ва техник жиҳозлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Қизилқум Фосфорит комплексиде ишлаб чиқарилаётган турли фосфорит концентратлари “Самарқандкимё”, “Кўкөн суперфосфот заводи”, Олмалиқдаги “Аммофос”, Навоийдаги “Электрокимё” сингари корхоналарни маҳаллий хомашё билан таъминлаш имконини бермоқда. Ушбу корхонанинг мамлакатимиз кишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам му-

носиб ўрни бор. Вилоят ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини тараққий эттиришда “Навоийазот”, “Қизилқумцемент”, Навоий иссиқлик электр станцияси, “Бахттекстил”, “Навбахортекстил” каби ўнлаб йирик корхоналар билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳам ҳиссаси катта.

Вилоятнинг sanoat салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятни 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига кўра, 94 та иссиқлик лойиҳаси амалга ошириш доирасида 7 миллион АҚШ долларига тенг маблағ ўзлаштирилиб, мингга яқин янги

иш ўрни яратилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур дастурга асосан 2013-2015 йилларда sanoat соҳасини ривожлантиришга қаратилган 325 та лойиҳани рўйбга чиқариш кўзда тутилган. Шуларнинг эвазига худудга 71,5 миллиард сўм миқдориде инвестициялар жалб этилади ҳамда 5356 та янги иш ўрни ташкил этилади. Жумладан, 2013 йилда вилоят бўйича жами 208 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлиб, шунинг ҳисобига худудга 249,2 миллион АҚШ доллари миқдориде инвестициялар жалб этилади. Натижада 1926 нафар кишининг доимий бандлиги таъминланади.

Истиқлол йилларида вилоятда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар самарасини биргина

sanoat соҳасидаги ўзгаришларда ҳам кўриш мумкин. Мустиқилликнинг дастлабки йилларида вилоятда 110 дан ортиқ sanoat корхонаси фаолият юритган бўлса, бугунга келиб улар сони 1385 тага етди. Утган давр мобайнида нафақат sanoat корхоналари сонини, балки уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш ва улар турини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, вилоятда иссиқликнинг илк йилларида 46 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариладди. Эндиликда sanoatчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури 300 дан ошди (шундан тайёр маҳсулотлар 100 турдан кўпроқни ташкил этмоқда).

(Давоми 2-саҳифада)

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 август куни Оқсаройда “Шарқ тароналари” IX халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО Бош директори Ирина Боклова қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмоннинг ЮНЕСКО раҳбари сифатида юртимизга илк ташрифи мамлакатимизни янада яқинроқ библи, халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси билан танишиш имконини беришга ишонч билдирди.

Томонлар Ўзбекистоннинг бой маънавий меросини тиклаш ва чуқур ўрганиш борасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, маданият, таълим, фан ва бошқа соҳаларда турли лойиҳаларни биргаликда амалга оширишмоқда.

Утган 20 йил мобайнида ЮНЕСКО шафелигида Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Камолитдин Бехзод каби буюк аждодларимиз, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз, Қарши, Тошкент, Марғилон сингари дунёга машҳур шаҳарларимиз, “Алпомиш”, “Авесто” каби бебаҳо адабий ёдгорликлар, шунингдек, Хоразм Маъруф академиясининг юбилейлари халқор микёсда кенг нишонланди.

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарларининг тарихий-маданий объектлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, 2001 йилда Бухоро “Тинчлик шаҳри” деб эълон қилинди.

Бойсун маданий мероси, Шашмақом, Катта ашула ва Наврўз инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилган.

Ирина Боклова самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик билдириб, Ислом Каримовни мамлакатимиз мустиқиллигининг 22 йиллиги билан табриклади. Дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири – Самарқандда ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётган мамлакатлар ва халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини, маънавий ҳамфикрликни мустиқкамлашга қаратилган олижаноб гоя ва мақсадлари боис тобора оммавийлашиб бораётган IX халқор санъат ва маданият анжуманининг муваффақиятли ўтишига тилак билдирди.

Меҳмон Ўзбекистоннинг бутун дунёда тан олинаётган ютуқлари барча соҳаларда узоқни кўзлаб амалга оширилган ислохотлар, Ўзбекистон раҳбарининг маданият ва таълимни ривожлантириш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилган доимий эътибори самараси эканини алоҳида таъкидлади.

ЎЗА

Самарқанд Вилояти


## СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

“Шарқ тароналари” IX халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонлари Самарқанд шаҳридаги Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз ташаббуси билан 1996 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан бунёд этилган мазкур ёдгорлик халқимизнинг буюк аждодимизга бўлган ҳурмат-эҳтироми рамзидир. Ушбу ҳайкалнинг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрига Амир Темур ордени тошпирди ва 18 октябрни Самарқанд куни сифатида нишонлаш тақдирини билдирди. Самарқандга ташриф буюрадиган юқори мартабали меҳмонлар, нуфузли делегациялар халқимиз ва давлатимизга бўлган эҳтиромини мазкур мажмуани зиёрат қилиш билан ихор этиб келмоқда.

Халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатлик, бирдамликни мустиқкамлаш ва тарғиб этишга хизмат қилаётган “Шарқ тароналари” мусиқа фестивали иштирокчиларининг Амир Темур ҳайкали пойига гул қўйиши ҳам мазкур анжуман доирасидаги муҳим тадбирлардан биридир. Ер юзининг турли минтақаларидан келган санъат аҳли ўз даврида қудратли давлат барпо этиб, Самарқандни йирик илм-фан, санъат ва маданият марказига айлантирган Амир Темур даҳисига ҳурмат қўрсатди.

– Тарихий манбаларда Амир Темур томонидан



санъат аҳлига катта эътибор кўрсатилгани, тез-тез мусиқа анжуманлари ўтказиб турилгани ҳақида маълумотлар учрайди, – дейди франциялик фестиваль иштирокчиси Руи Жан Клоуд. – Бу буюк саркарданнинг ўз давлатида санъат ва маданият ривожига раҳнамолик қилганидан далолат беради. Дунёда нуфузи тобора ортиб бораётган “Шарқ тароналари” халқор мусиқа фестивали катнашчиларининг бу зот ҳайкалининг эътибор қилиши чуқур рамзий маънога эга.

Маросимда ЮНЕСКО Бош директори И.Боклова, Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

Ҳ.ҲАСАНОВ,  
ЎЗА муҳбири.

## БУНЁДЖОР ХАЛҚНИНГ ЭЗГУ УДУМИ

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗ ЯРАТИШ ВА ЯШНАТИШ ТУЙҒУСИ БИЛАН ҚАРШИ ОЛИНМОҚДА

Обод турмушимизнинг янада обод ва гўзал бўлиши учун давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилаётгани, бунинг учун барча имкониятлар ишга солинаётгани ҳар биримизнинг кўнглимизни янада тоғдек кўтармоқда. Эртанги кунга ишончимизни янада мустиқкамлаб, шижоат билан меҳнат қилишга ундамоқда. Кўнглимизни обод этмоқда. Кўнгли обод инсоннинг оиласи, турмуши обод бўлади.

Аини шу тамойил мамлакатимизда 24-25 август кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида янада ёрқин намоён бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 августдаги фармойишига биноан мамлакатимизда эълон қилинган Ободонлаштириш ва тозалик ойлари доирасида ташкил этилган умумхалқ хайрия ҳашари юртимизнинг барча кишлоқ, овул, шаҳар ва маҳаллалари, меҳнат жамоалари, таълим масканларида уюшқоқлик билан ўтказилди.

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондидан олинган маълумотларга кўра, ушбу эзгу тадбирда 17 миллион нафардан зиёд юрдошимиз иштирок этди. Уларнинг сай-ҳаракати билан 30 минг гектардан зиёд майдон ободонлаштирилди. Қурилиш ва маийш

чиқиндилар белгиланган жойларга чиқариб ташланди. Ариқлар, лотоклар тозаланди, зиёратгоҳ ва қабристонлар ободонлаштирилди. Маҳаллаларда, боғларда, аҳоли маийш масканларида, йўллар атрофида ободончилик ишлари қизгин тус олди. Дарахтлар оқланди, болалар майдончалари тартибга келтирилди, кўча ва йўлақлар тозаланди. Кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган оилаларнинг уй-жойини таъмирлаш, шароитларини яхшилашга кўмаклашилди.

– Республикаимизнинг барча худудларида яшнатиш, яратиш, бунёдкорлик туйғулари билан яшаётган юрдошларимиз бу галги ҳашарга ўзгача ёндашдилар, – дейди Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви



Ўзбекистон тумани Қумбос-ти, Кичик тағоб маҳалла фуқаролар йиғинларининг биноси ҳашар кунлари таъмирдан чиқарилди.

Тахтакўпир туманидаги Тахтакўпир ҳамда Нукус туманидаги Ақмангит шаҳарча фуқаролар йиғинлари худудиде 3 та, Бухоро шаҳрида 5 та болалар спорт майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги А.Қодирий номли маҳалла фуқаролар йиғини худудиде 400 метрлик оқова сув қувурлари ётқизилди.

– Халқимизнинг минг йиллар давомида сайқал топган ушбу анъанаси ёшларни бунёдкорлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳами-

ят касб этади, – дейди Тошкент техника университетига қошидаги Янгиуил академик лицейи ўқитувчиси Диляфрўз Ғайбиева. – Мана шундай тадбирларда ёшларимиз қалбида Она Ватан равнақига дахлдорлик туйғуси шаклланади, барқ уради. Келажакда эса улар ободлик ва бунёдкорлик ишларида ўз мевасини беради.

Хайрия ҳашарида бу йил ёшларнинг иштироки кенг бўлди. Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати умумхалқ хайрия ҳашарида йигит-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида “Юртимни обод этаман” лойиҳасини амалга оширди. Лойиҳа доирасида жойлардаги қабристонлар, тарихий қадимжолар, зиёратгоҳларда кенг кўламли ишлар олиб борилди.

“Ёшлик” ва “Камолот” боғлари ободонлаштирилди. Ҳашардан тушган маблағлар йил давомида “Обод турмуш йили” Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, хусусан, эҳтиёманд юрдошларимизни, кам таъминланган оилаларни, ёлғиз қарияларни, ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга, маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустиқкамлаш, янги маҳалла гузарларини барпо этиш, болалар майдончаларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш, улар атрофини ободонлаштириш, умуман, маҳаллани янада обод қилиш каби ишларга йўналтирилади.

Республикамизнинг барча худудларида умумхалқ хайрия ҳашари кўтаринки руҳда ташкил этилди, жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизгин давом этмоқда. Ҳа, оиласини, маҳалласини обод этиб, юрт тараққибига муносиб улуш қўйиш иштиқидидаги юрдошларимиз Энг улуг, энг азиз байрамимизни ана шундай яратиш ва яшнатиш туйғуси билан қарши олишмоқда.

Анвар ҚУЛМУРДОВ,  
“Qishloq hayoti” муҳбири.



СЎЗ – ФЕСТИВАЛЬ ИШТИРОКЧИЛАРИГА




"Шарқ тароналари" IX халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш учун дунёнинг турли мамлакатларидан санъат намояндalари, мусиқашунослар, ансамбль ва бадий жамoалар Самарқандга ташриф буюрди. Улар фестивалнинг асосий тадбирларидан ташқари, вилоятнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалар, мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотлар билан танишмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – УЗА муҳбири меҳмонларнинг дастлабки таассуротлари билан қизикди.



Эру дунёнинг феъли бўлдики, шунд кичик дўбак эми, Мен дедимки, эру келдики, дуню мезмоним сени... Қурда шорни сен урдики, дунда бориш сен урди, Катта бўлган ташкилдоран, Ўзбекистоним, сени.

Юртимизда байрам шуқуҳи. Қалбларда қувонч, дилларда сурур. Эл-юртга, шу жумладан, байрам дастурхонига турли ноз-неъматлар етказиб бераётганлигимиздан, улар манзур бўлаётганлигидан фахрланамиз. Шундай шодиёна кунларда барчани Мустақилликнинг йигирма икки йиллик байрами билан муборакбод этамиз, мустақкам соғлик, хонадонларга мудом тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Қибрай туманидаги "NAVRUZ INTERNATIONAL CORP" қўшма корхонаси



ЭЛЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИГАН АНЖУМАН

Қуо Ли-Мин КАРОЛИНЕ хоним, Тайван маданияти ва санъат ассоциацияси Тайван халқаро фольклор ташкилоти бош котиби (Хитой):



"Шарқ тароналари"да бу йил тўртинчи бор қатнашмоқдаман. Хар сафар фестивал доирасидаги халқаро конференцияда иштирок этиб, ўзим учун гоят зарур маълумотларга эга бўлман. Бу менга Шарқ халқлари мусиқа маданияти тарихи, анъаналарини ўрганишда ёрдам беради. Мисол учун, бу ерга илк бор келганимда байрамлар, туй ва бошқа маросимларда карнай-сурнай чалинганини кўриб, хайратда қолганман. Чунки биз ҳам тантанали тадбирларда шунга ўхшаш чолгу асбоблардан фойдаланамиз. Шундан сўнг мазкур чолгу асбобларнинг яратилиш тарихи, фойдаланилиши ҳақида илмий излашиллар олиб бордим. Бу ҳақда матбуотда қизиқ қилдим. Энди мана шунга ўхшаш маълумотларга ҳамда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг аҳамияти ҳақида китоб ёзмакчиман.

жуда катта таассурот олган эдим. Ушанда яна имконият бўлса, албатта кейинги фестивалларда ҳам иштирок этишни ният қилгандим. Шунинг учун ҳозир Самарқандда эканимдан бахтиёрман. Бу шаҳар ўзининг кўп асрлик тарихини бугунги кундаги замонавий қиёфасида ҳам акс эттириб келадиган гўзал ва бетакор маскан. Самарқанд ер ўзининг сайқали, Шарқ гавҳари, деган таърифларни эшитганман. Чиндан ҳам Самарқанд бу таърифу тавсифларга гоят муносиб, дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бири.

Хар сафар Ўзбекистонга келганимда улкан ўзгариш ва янгилинишларга гувоҳ бўлишимни алоҳида таъкидламоқчиман. Аввал келганимда кўрган кўча-хiebонларни, болларни таниёлмай қоламан. Самарқанд кўчалари, Регистон майдони атрофида пиёда сайр қилиб, икки йил ичида шунча бунёдкорлик ишлари амалга оширилганидан хайратландим. Бу давлатингизнинг жадал ривожланиб бораётганидан далolat беради.

Франке РАДИН, фестивал ҳакамлар ҳайъати аъзоси (Индонезия): - Дунёда хар йили санъат соҳасида кўплаб фестивал ва анжуманлар ўтказилади. Лекин ер ўзининг барча китъаларидан вақиллар қатнашадиган бундай улкан санъат байрами кам. "Шарқ тароналари"да олтимшига яқин давлатдан келган созанда ва хонандалар ўз миллий санъатини намойиш этиши ҳам шундан далolat. Турли мамлакатдан келган санъаткорлар бу ерда мусиқа, кўшиқ воситасида бир-бирлари билан яқиндан танишадди, дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустақ-

Абдул Азиз СИНКА, "Ланая" гуруҳи раҳбари (Буркина Фасо): - Саккизинчи фестивалда халқимиз мусиқа ва кўшиқчилик санъатини намoён этиб, бу анжумандан

қамлайди. Албатта, бундай нуфузли фестивалда ҳакамлик қилиш катта шараф бўлиши барoбарид, улкан масъулият ҳамдир. Шунинг учун қаттиқ ҳаяжондаман. Шундай нуфозли анжуманда иштирок этиш ва ўз миллий санъатини намойиш қилиш ва уни томошабинларга етказиб бера олиш хар бир санъаткор учун шараф.

Миколайтис РАЙМУН-ДАС, "Диота" фольклор ансамбли раҳбари (Литва): - 2011 йилги фестивалда қатнашганим учун "Шарқ тароналари" ва Самарқанд ҳақида тасаввурга эга эдим ва ўша таассуротлар билан юртингизга келдим. Бирок Тошкентга келганимдаёқ, икки йил ичида юртингизда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини кўриб, хайратландим. Самарқанд бугунги байрамона кўриниш касб этибди. Кўча ва хiebонларнинг ободлиги, янги ва кўркам бинолар, шаҳарнинг тунги чиройи кишига ўзгача кайфият бахш этади. Бу санъат ахли учун илҳом манбаи бўлиб, жўшиб қуйлашимизга имконият яратади.

УЗА муҳбири Фoлиб ҲАСАНОВ ёзиб олди.

Эълонлар

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ НАВОЙИ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ХАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Хатирчи тумани ҳoқимининг 2013 йил 2 июлдаги 01-02/362-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда: 1. Токорлик ва электр пайвандлаш цехи биноси учун Хатирчи тумани Оқ олтин ҚФЙ А.Ҳалимов массивидан 600 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 94 410 сўм. Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Хатирчи тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топши-

риги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 2 октябрь кuni соат 18:00 да тўхтатилади. Талабгорларнинг конвертлари Хатирчи тумани ҳoқимлиги биносидан 2013 йил 3 октябрь кuni соат 11:00 да очилади, 2013 йил 3 октябрь кuni соат 16:00 да мазкур ҳoқимлик биносидан таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор фoлиб деб топилади. Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас. Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган

ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини АТИБ "Ипотека банк" Навоий шаҳар филиалидаги: МФО 00205, СТИР 207122519, 20208000504920609007 х/р га тўлашлари шарт. Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир барoбари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади. Талабгорлар буюртманомалар билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади: - юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вақилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; - жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказил-

ганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вақил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; - танлов ташкилотчасига закатал тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха; - танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тўзилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари. Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Навоий вилояти Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй. (8-436) 224-15-61; www.1kms.uz. user07@inbox.uz. Лицензия RR 0001.

шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт. Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қат-

нашчиларнинг таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчаси Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Андижон ш. Чинобод кўча, 59-уй, тел.факс: 226-72-02. Бир тўплама танлов ҳужжатларини нархи: 70 000 сўм. Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчаси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчасига тақдим этишнинг охириги мuddати офёрталар очилиш кuni ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган санадан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

«TURKISTON INTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ БОШЛАНГИЧ БАХОСИ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига 1. «SAYOHAT SARI» УКнинг Тошкент шаҳар Буюк Ипак йўли кўчаси 115-уй манзилидаги давлат рақами 01/869 LBA бўлган, 2007 йилда и.ч., 16 237 600 сўм бошланғич нархдаги ЧАН АН SC6363 русумли автотранспорт воситаси. 2. "Ўзбекинвест" ЭИМСК Тошкент шаҳар филиалининг Тошкент шаҳар А.Қодирий кўчаси 2А-уй манзилидаги давлат рақами 01/059 ZAA бўлган 2001 йилда и.ч., 6 042 940 сўм бошланғич нархдаги "Нексия" русумли ва давлат рақами 01/056 ZAA бўлган 2004 йилда и.ч., 6 097 885 сўм бошланғич нархдаги "Матиз" русумли. 3. «Mirzo Ulug`bek tuman hududiy itihoslashgan shahar-savdo bazasi» УКнинг Тошкент шаҳар Дўрмон йўли кўчаси 34-уй манзилидаги 2010 йилда и.ч., давлат

рақами 01 020 КВА, бошланғич нархи 12 699 000 сўм бўлган "Нексия" СОНС 2 ГБА СПГ русумли автототранспорт воситалари қўйилмоқда. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уйда, 2013 йил 30 сентябрь кuni соат 11.00 да, ушбу савдода сотилмаган мулкларни такрорий аукцион савдоси 2013 йил 16 октябрь кuni соат 11.00 да бўлади. Аукцион яқунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт билан сотувчи вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар (ариза)ларни Тошкент

шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилашидан бир кун олдин тўхтатилади. Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчаси билан тузиладиган закатал келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини ТИАСнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамга тўлашлари шарт: х/р 20208000604941652001, МФО 00425, СТИР 302128906. Манзил: Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уй. Тел: 144-66-55, 233-33-37. Гувоҳнома № 005424

«КО`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ НАВОЙИ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ХАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига! СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ БУЮРТМАСИГА АСОСАН 2013 ЙИЛДА ҚУЙИДАГИ ИНШООТНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ҚАЙТА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги хўжалик суди маъмурий биносини капитал таъмирлаш (1-этап). Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан — 413 450 568 сўм. Объектнинг бошланғич нархи ҚҚСсиз — 344 542 140 сўм. Қурилиш мuddати — 150 кун. Қурилиш ишларини молияштириш: Адлия ва суд органларини ривожлантириш фонди. Буюртмачининг манзили: Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри Мустақиллик кўчаси 75. Тел: (8-367) 225-37-47. Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисобрақамда танлов савдолари предмети қийматининг камиди 20 % миқдоридида бўлиш айланма маблағлари бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни

Тошкент ш. Ученга т. ТСРҮИда (18.07.2013 й., реeстр № 005937-01) рўйхатдан ўтган "SUPER UKUSNO" (ИНН 302665247) оилавий корхонасига тегишли думалок муҳр ва бурчак тамга йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ҳоқимлиги ҳузуридаги ТСРҮИ томонидан 000574-07 реeстр рақами билан 22.10.2009 й.да рўйхатдан ўтган "POLI-BIO-MED" М-Ҳга тегишли думалок муҳр ва бурчак штампга йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРҮИ томонидан (реeстр № 002332-07, 18.05.2009 й.) қайта рўйхатга олинган "E-ZO UNIQUE BUSINESS" МЧЖнинг устав жамғармаси 210 000 000 сўмдан 63 326 442 сўмгача қамқиди.

ООО "COMPEX GИM" (ИНН 207121338) регистрoваноe ИРСР Мирабодского р-на (реeстр № 005270-03, 10.06.2011 г.) в соответствии с Протоколом внеочередного общего собрания участников от 24.08.2013 г., ликвидировано. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Мирабодский р-н, ул. Истиклол д. 34 в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: (+99890) 187-07-16.

Утерьяний диллом № 134585, выданный в 1996 году ТИИМХСа на имя Хомидова Абдуллато Абдуллаевича, считать недействительным.

МЧЖ шаклидаги "XALQ SUG`URTA" суғурта компанияси шунга маълум қиладики: 0033249 ва 0033250 рақамли суғурта полислари йўқолиши сабабли ноҳақий ҳисобланади. Ушбу полислар бўйича компания ҳеч қандай мажбурият олиб бормади.

МЧЖ шаклидаги "XALQ SUG`URTA" суғурта компанияси шунга маълум қиладики: 0033249 ва 0033250 рақамли суғурта полислари йўқолиши сабабли ноҳақий ҳисобланади. Ушбу полислар бўйича компания ҳеч қандай мажбурият олиб бормади.

МЧЖ шаклидаги "XALQ SUG`URTA" суғурта компанияси шунга маълум қиладики: 0033249 ва 0033250 рақамли суғурта полислари йўқолиши сабабли ноҳақий ҳисобланади. Ушбу полислар бўйича компания ҳеч қандай мажбурият олиб бормади.

Фарғона вилояти

## МУҲОКАМАДА ОАВ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Фарғона шаҳрида "Бозор муносабатларининг ривожланиши шартларида оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлашнинг долзарб масалалари" мавзусида минтақавий конференция бўлиб ўтди.



Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида миллий журналистикамиз тараққиёти, ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди.

Конференция мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Ш.Дехқонов, "Қишлоқ ҳаёти" газетаси бош муҳаррири Ч.Латипов ва бошқаларнинг маърузалари тингланиб, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, соҳага бозор механизмларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, иштирокчилар оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий самарадорлигини оширишда ижодий таҳлилнинг аҳамиятини Фарғона вилояти мисолида кўриб чиқишда ҳамда вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва кенг қўламадаги бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ  
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.



Ўзбекистон Республикаси  
Мустақиллигининг  
22 йиллик байрами билан барфани  
самимий муборакбод этамиз.  
Чорвагилик, хусусан, паррандачиликни  
ривожлантириш орқали эл-юрт  
фаровонлигини оширишга ўз ҳиссамизни  
қўшаётганлигимиз жамоамизни  
руҳлантирмоқда. Байрам шукухи намоён  
бугунги қувонгли кунларда барфана  
сизхат-саломатлик, хонадонларга  
тинчлик-хотиржамлик, кўзланган  
мақсадларга эришиш йўлида  
омад тилаймиз.

БЎСҲОНЛИҚ ПАМАНИДАФИ «GOLDEN WING»  
ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



О Реклама ва эълонлар

## Qishloq Qurilish Bank

Юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг  
22 йиллик байрами билан қутлайди!

Энг улуг ва энг азиз байрам барчага тинчлик-тотувлик,  
оилавий хотиржамлик олиб келишини тилайди ва қуйидаги  
янги муддатли омонат турларини таклиф этади:

### МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:

- “Ором” – муддати 1 ой
- “Равнак” – муддати 3 ой
- “Оила манфаати” – муддати 4 ой
- “Мафтункор” – муддати 6 ой
- “Самарали” – муддати 9 ой
- “Саховат” – муддати 12 ой
- “Обод турмуш” – муддати 24 ой

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:

- “Стимул” – муддати 1-3 ой

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

“Мадад” – муддати 1 йил

“Қурилишга бошлангич бадал” – 1 йилдан кам бўлмаган муддатга

Ушбу омонат турларига банкнинг барча филиалларида маблағлар қабул қилинади.

- |  |                 |
|--|-----------------|
| 1. Тошкент шаҳар минтақавий филиали    | (371) 150-77-21 |
| 2. Тошкент вилояти минтақавий филиали  | (371) 150-79-19 |
| 3. Андижон минтақавий филиали          | (374) 222-23-72 |
| 4. Фарғона минтақавий филиали          | (373) 229-70-91 |
| 5. Наманган минтақавий филиали         | (369) 223-04-37 |
| 6. Бухоро минтақавий филиали           | (365) 223-92-21 |
| 7. Самарқанд минтақавий филиали        | (366) 210-02-49 |
| 8. Қашқадарь минтақавий филиали        | (375) 771-04-26 |
| 9. Сурхондарь минтақавий филиали       | (376) 770-83-72 |
| 10. Қорақалпоғистон минтақавий филиали | (361) 224-22-15 |
| 11. Хоразм минтақавий филиали          | (362) 227-48-15 |
| 12. Сирдарё минтақавий филиали         | (367) 221-00-71 |
| 13. Жиззах минтақавий филиали          | (372) 771-63-38 |
| 14. Навоий минтақавий филиали          | (436) 770-27-97 |

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4057-сонли Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар:  
(+99871) 150-76-53, 150-39-93  
www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

## МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) бульдозер
- Запасные части к тракторам "Беларусь"
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Шины различных моделей
- Экскаватор-погрузчик цепной ЗП-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" ГМТЗ-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2



махсулот сертификатланган  
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar\_uz@mail.ru www.toglar.uz

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ

- Тракторлар, турли серияда 60 дан – 600 от кучигача.
- Комбайнлар
- Пресс-подборщиклар
- Омочлар
- Пуркагичлар
- Косилкалар
- Бороналар
- Культиваторлар
- Минерал ўғит сочадиган мосламалар

Ўзбекистон Республикаси бўйича  
сервис хизмати кўрсатилади.  
Кафолат муддати 1 йил.



Тел: (998 71) 241-02-29, (998 90) 326-81-11  
Сайт: www.agtech-agri.uz e-mail: info@agtec.uz

Хизматлар лицензияланган.

## АГРОТЕХНИКА

- ~ Беларус 80X ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
- ~ Бог ва ферма учун тракторлар
- ~ Гусеницаи тракторлар
- ~ Прессподборщик
- ~ Ғузаяпо ўрадиган комбайн
- ~ Ғт ўрадиган комбайн
- ~ Макка ўрадиган комбайн
- ~ Жўхори йиғувчи комбайн
- ~ Косилка КИР 1,5
- ~ Сомон йиғувчи мосламалар
- ~ Картошка терадиган комбайн
- ~ Картошка экадиган комбайн
- ~ Бугдой экадиган саялка
- ~ Пахта экадиган саялка
- ~ Дори сепадиган мосламалар
- ~ Сачрибти сугорувчи мосламалар
- ~ Ем майдалаб тарқатувчи техника
- ~ Культиваторлар
- ~ Плуг, айланма плуг, дискали плуг (+99871) 150-58-58
- ~ Чизель, борона 150-68-68
- ~ Экскаватор погрузчик, бульдозер
- ~ Траншекопатель, ямобур



Сайт: www.sninvest.uz

E-mail: info@sninvest.uz



Махсулот сертификатланган  
Буюртма асосида

Паррандачилик фермалари (фабрикалари),  
балиқчилик хўжаликлари, фермер хўжаликлари  
ва омихта ем ишлаб чиқарувчи ташкилотлар  
раҳбарлари диққатига!

Қуйидагиларни сотамиз:

- Суяк ва гўшти суяк уни (товуқ учун).
- Натрий гипохлорит (суяқ ҳолатда) ва кальций кукуни.
- Пойдеворда ва том ёпишда қўлланиладиган муҳофазаловчи материал – полиизоол (фольгоизоол).
- Қир қовши кукуни, идиш-товоқ қовши учун гел.

• "ODDE-AG" моб. +99890 925-99-40 Факс: +99871 120-70-30  
Ўзбекистонда ишлаб чiqарилган. тел. +99871 279-40-30 E-mail: odde@mail.ru

Утврий план қаватлари ва справка на обмен қаватлари по адресу: ул. Лутфий д. 5 кв. ра. 38, выданный Чиназарским БТИ на имя Жилиной Галины Михайловны, считать недействительным.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва қўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан Қим Ирина Павловна номида Тошкент ш. Юнусовд т. Марказ-6 89-ўй 70-хондон манзилда жойлашган № 7-359/2008 рестр рақами Офис-магазин учун берилган 01.08.2008 й.даги ТА № 0592991 серияли кадастр Ғувоҳномази йўқолганини сабабли бекор қилинади.

Тошкент вило. Зангиота т. ҳокимияти ҳузуридаги ТСРҒИ томонидан рўйхатдан ўтган "FAZ QURILISH MEKANIKA" МҲЖнинг устав фонди 190 211 000 сўмдан 300 000 сўмга камайтирилди. Мурожаат учун тел.: 555-16-58.

"ALFA BUSINESS" МҲК (СТИР 302625708) ўз номини жағмагарисини 29 437 860 965 52 сўм 52 тийиндан 12 196 481 655.17 сўм 17 тийингача камайитиришини маълум қилади.

ООО "SAFF TEXTILE" (ИНН 301530313) считается правопреемником ООО "SHAMS ELT TEX" зарегистрированы ранее в ИРСП при Хокимияте Улгенского р-на г. Ташкента (реестр № 003610-01, 05.03.2010 г.). Сообщается, что Уставный фонд общества уменьшается с суммы 443 756 192.00 сум до суммы 225 783 940.00 сум. Претензии принимаются в течение 2 месяцев по тел.: 367-15-25.

Газетанинг навбатдаги сони 30 август, жума кунни чиқади.

Бош муҳаррир:  
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехника комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:  
Зафар РҒЗИЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТҒДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВЕ, Абдивахоб ТАМИКЕВ, Махмуд ТОИР, Ғабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар КУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Мухиддин АБДУСАМАТОВ (Масул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.



Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 233-95-17, Аграр масалалари бўлими – 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-44-43, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарь – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар:

236-26-50,  
233-28-04.

Навбатчи муҳаррир:  
С.СОЛИЕВА  
М.СУАҒИХ;  
О.ОЧИЛОВ  
Дизайнер:  
М.БОБОМУАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-814, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 22.35  
15742 нусхада босилди. Нашр индекси – 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида босилди.  
Манзили: "Буюк Ғорон" кўчаси, 41-уй.